

ҲАЛИМОВ Фирдавс

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси
маркази директори ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА ВАҚФ ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚИ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

THE ORIGINS OF THE WAQF CHARITABLE PUBLIC FUND IN UZBEKISTAN AND ITS CONNECTION TO UNDER ISLAMIC LAW

ИСТОКИ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОГО ОБЩЕСТВЕННОГО ФОНДА «ВАҚФ» В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕГО СВЯЗЬ С ИСЛАМСКИМ ПРАВОМ

Annotatsiya: Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда вақф ташкилотининг ташкил этилиши, унинг асосий фаолияти, иш механизмлари ва жамиятдаги салмоқли ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада вақф ташкилотлари тўғрисида алоҳида қонун ишлаб чиқиш муҳимлиги, чунки уларнинг кам таъминланган фуқароларни қўллаб-қувватлашдаги аҳамияти ортиб бораётгани ҳақида сўз боради. Шунингдек, мақолада бундай ташкилотларни рўйхатга олиш, вақф мулкани талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик, бу борада судларнинг иштироки каби масалалар ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари, мақолада вақф ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми ва ташкилий тузилмаси батафсил баён этилган.

Калим сўзлар: вақф, ислом ҳуқуқи, ҳадя, мулк, молиявий мулк, вақф маданияти.

Аннотация: В данной научной статье анализируется создание организации «Вақф» в Узбекистане, а также ее основные виды деятельности, механизмы работы и существенная роль в обществе. В статье также говорится о важности разработки отдельного закона о вақфных организациях, поскольку их значительная роль в поддержке малообеспеченных граждан

возрастает. В статье также были подчеркнуты такие вопросы, как регистрация таких организаций, ответственность за разграбление имущества вақфа и привлечение судов в этом отношении. Кроме того, в статье подробно описаны правовой статус и организационная структура вақфных организаций.

Ключевые слова: вақф, исламское право, дарение, имущество, управляющий комитет, финансовое планирование.

Annotation: This research article analyzes the establishment of the Waqf organization in Uzbekistan, as well as its main activities, working mechanisms, and substantial role in society. The article also touches upon the importance of developing a separate law for waqf organizations as their significant role in supporting low-income citizens is on the rise. Issues such as waqf registration, liability for looting waqf property, and the involvement of courts in this regard were also clearly described in the article. In addition, the article sheds light on the legal status and organizational structure of waqf organizations, which are thoroughly described.

Keywords: Waqf, Islamic law, donation, property, managing committee, financial planning.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон – суверен демократик республика бўлиб, Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилгандир, шунингдек, диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар, давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Юртимиз тарихида вақфлар ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ўзининг юқори ҳиссасини қўшган. Шу нуқтаи назардан вақфлар нафақат диний, балки тарихий ва маданий қадриятимиз ҳамдир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юртимизда 2018 йилда мингйиллик тарихимиз ва қадриятларимиз тимсоли бўлмиш вақф маданиятини тиклаш сари илк

кадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5416-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилган бўлиб, мазкур фармон 8-бандига кўра, “Вақф” хайрия жамоат фондининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

фуқароларнинг диний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, миллий ва диний кадрларимизни асраб-авайлаш;

масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

тарихий-меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини янада ривожлантириш;

диний таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

масжидлар ва зиёратгоҳлар ходимларини, хусусан имом-хатиблар, имом ноиблари, мутаваллилар, муаззинларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

ислом илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аجدодларимиз, замонамизнинг етук олим ва уламолари қаламига мансуб диний-маърифий асарларни чоп этиш ва аҳолига етказишга қўмаклашиш;

юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан биргаликда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда “Вақф” хайрия жамоат фондининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш, фуқаролардан закот, фитр ва бошқа хайрия маблағлари сифатида тушадиган маблағлар Фондининг алоҳида ҳисоб рақамида тўпланиши, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган (шу жумладан, Интернет тармоғи орқали онлайн кузатиш имкониятини яратган) ҳолда маблағларнинг тушиши ва сарфланишида тўлиқ шаффофликни таъминлаш бўйича амалий кўмак берсин, деб белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 1-илоvasида “Диний-маърифий соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш” номли I бандида белгиланган тадбирлардан бири “Диний-маърифий соҳага оид қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш”дан иборатдир. Иловада мазкур тадбирнинг амалга ошириш механизмларидан бири сифатида “хатлов ва таҳлил ўтказиш, унинг натижалари асосида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ тузиш”, деб қайд этилган.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг айрим бандлари вақф ташкилотлари учун ҳам тўғри келади. Жумладан, мазкур Қонунда “Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан берилган шунингдек чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа

мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин. Диний ташкилотларнинг мулкӣ ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади”, деб қайд этилган.

Яна шу Қонунда “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналарни, шунингдек хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир”, деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, “Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир”, деб ҳам қайд этилган.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда давлат ва нодавлат ташкилотлар қонун асосида фаолият юритади. Диний ташкилотлар нодавлат нотижорат ташкилотлар сирасига киради. Шунга кўра вақфлар ҳам нодавлат нотижорат ташкилотдир. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидаги 511-модда, яъни “Хайр-эҳсон” билан боғлиқ норма умумий хусусиятга эга бўлиб, хайр-эҳсон субъекти сифатида диний ташкилотларнинг вақфга оид фаолиятини ҳамда вақф тушунчасини тўлиқ қамраб олмаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда ФК га янги 511-прим модда киритилиб, уни қуйидаги мазмунда ифодалаш мумкин: **“Вақф – бу вақф қилувчи жисмоний ёки юридик шахс томонидан мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқни ўз тасарруфидан чиқариб умумжамият эҳтиёжлари учун муддатсиз эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф қилиш учун расмийлаштириб тегишли жисмоний ёки юридик шахс ихтиёрига ўтказишидир.**

Қонун ҳужжатларида вақф турлари, уларни тартибга солиш белгилаб қўйилиши мумкин”.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ҳамда “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунлар мавжуд. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 1-илоvasи I бандида белгиланган “Диний-маърифий соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш” тадбирлардан бири бўлмиш “Диний-маърифий соҳага оид қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш, таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш” вазифасидан келиб чиққан ҳолда “хатлов ва таҳлил ўтказиш, унинг натижалари асосида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ тузиш” бандидан келиб чиқиб Вақфлар учун алоҳида қонун ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Юқорида бошқа дунёвий мамлакатлар мисолида кўриб чиққанамиздек, тарихида вақф маданияти мавжуд бўлган ҳар бир мамлакат Қонунчилигида вақфлар учун алоҳида ўрин ажратган. ЎзР қонунчилик базасини шакллантиришда жаҳон тажрибаси, бошқа давлатлар тажрибасидан фойдаланишга кенг ўрин берилганлигидан келиб чиқиб, мазкур ишни амалга оширишда тегишли органлар ўз хизматларини аямайдилар, деб умид қиламиз.

Вақф мулклари тўғри бошқарилса ва тартибга солинса бир неча юз баробарга ортиши ва мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлади. Бу яхшилаш аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган қатламига ёрдам, таълим соҳасига ажратиладиган грантлар, йўл қурилиш соҳаларига ажратиладиган ажратмалар кўринишида бўлиши мумкин. Вақф институтининг жамият иқтисодий ривожига потенциалини ҳисобга олиб ҳал қилиниши зарур бўлган икки масала ҳақда сўз юритамиз: вақф институтини бошқариш тартибини ислоҳ қилиш; вақф фаолиятининг кенгайтилиши учун қулай муҳит яратадиган қонунлар қабул қилиш. Қуйида бу борадаги ўз лойиҳамизни батафсил баён қиламиз.

Вақф қонунларида самарали ташкилий бошқарув, активларни тўғри бошқариш ва ислом молияси тамойилларига мос келадиган инновацион молиявий механизмни

таъминлайдиган қоидаларни акс эттириш зарур. Бундай қоидалар вақф муассасаларига ва фойдаланувчиларга уларнинг хусусиятларини ривожлантириш ва жонлантириш ёки фикҳ бўйича вақф манфаати учун зарур бўлганда уларни бошқариш имкониятини беради. Биз таклиф этадиган қонун лойиҳаси вақф институтининг ташкилий тузилмаси, вақфнинг ҳуқуқий субъекти, вақфни ташкил этиш, унинг амал қилиш муддати, рўйхатга олиш тартиби, маъмурий жавобгарлик, вақф мулкларини бошқариш маъмурияти учун тўлиқ бирлаштирилган ҳуқуқий асослар ва уни мамлакат бўйлаб ҳимоя ва муҳофаза қилишни назарда тутди.

Ушбу параграфда янги қонунларда акс этиши керак бўлган қоидалар келтирилган. Лойиҳа вақф институтини юридик шахс сифатида эътироф этиш, вақф институтининг институционал тузилиши, вақфларни бошқариш ва уларнинг ҳисоб китоб ишларини юритишни ўз ичига олади. Шунингдек, вақфларни рўйхатга олиш, вақф мулкни талон тароҷ қилганлик учун жавобгарлик, бу борада судлар иштироки каби масалалар мавжуд.

Вақф таърифи. Вақф деганда уч хил нарсани тушуниш мумкин: юридик шахс ёки муассаса; хайр-эҳсон; вақф мақсадида тақдим этилган мол-мулк. Қонунда шу уч нарсанинг ҳар бири умумий тушунчалар бўлимидан ўрин олиши керак.

Вақф таснифи. Исломи ҳуқуқшунослигида вақф *умумий* ва *авлодий* турларга ажратилади. Шунингдек, ҳукмдор ва унинг оила аъзолари томонидан давлат ғазнаси ҳисобидан амалга оширилган вақфлар, шериклик мулкдан муайян улуши ҳисобига қилинган вақфлар каби турлар ҳам мавжуд. Биз бу ўринда вақфларни юқоридаги таснифдан ташқари мулк турига кўра ҳам таснифлашни таклиф этамиз. Бу тўғридан-тўғри вақфлар (масжид, шифохона) ва инвестицион вақфлардир. Иккинчи тур вақфлар даромад келтирувчи хусусиятга эга бўлиб, уларнинг даромадини мунтазам равишда ошириб туриш мумкин бўлади. Вақф мулкни тўғридан тўғри ва инвестицион вақфларга ажратиш орқали молиявий режалаштириш, бухгалтерия кабиларга даромадларни ишлаб

чиқариш қобилияти асосида ошириб бориш, ҳар бир вақфнинг иқтисодий ҳолатига индивидуал ёндошишда ёрдам беради.

Вақфнинг ҳуқуқий мақоми. Исломи ҳуқуқшунослигига кўра ҳам, замонавий қарашларга кўра ҳам вақф юридик шахсдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб вақф бошқарувчилари, маъмурлар ва бошқалар вақф объекти олдида фақат вақф мулки учун жавобгар нозир сифатида қаралиши керак, вақф мулкнинг мутлақ эгаси сифатида эмас. Вақф мулклари сони кўпайиб боришини ва уларни доимий назорат қилиб туришни назарда тутган ҳолда вақфларни бирлаштириб турувчи ягона соябон ташкилот мавжуд бўлиши лозим. Бу ташкилот вақф мулкларининг эгаси эмас, балки мулкнинг вақф ҳужжатида кўзда тутилган мақсадларга хизмат қилишини таъминлашга масъул юридик шахс саналади. Бу ташкилотни Вақфлар бош бошқармаси сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. “Вақф” хайрия жамоат фондини шундай ташкилотга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ер ва молия тўғрисида қонунлар мавжудлиги, вақф объектини бошқаришда мазкур қонунларга мурожаат қилинишини кўзда тутиб, вақфни юридик шахс мақомига эга бўлган институционал ташкилот сифатида эътироф этиш лозим. Бу ташкилот зарур бўлганда судга мурожаат этиши, судга бериши, ўз номидан ерга эгалик қилиши ва ўз фаолиятини чекланмаган муддат давом эттириши мумкин. Вақфга бундай мақом бериш унинг активларини ҳимоя қилиш ва унинг ривожланиши учун қулай муҳит яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Вақфнинг институционал тузилмаси. Вақфларни ташкил қилиш, рўйхатга олиш, бошқариш, назорат қилиш ва ривожлантириш ваколатлари Ўзбекистон мусулмонлари идорасисига берилиши лозим. Унинг мустақил фаолият юритиши ва дахлсизлигини таъминлаш керак.

Вақфнинг ташкилий тузилмаси. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маслаҳат кенгаши, вақф бошқарув қўмитаси, корпорация,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси асосан тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси

бўлиши лозим. Шунингдек, у бевосита вақфлардан иборат бўлган ер ва мулкни бошқарувчи бўлиши мумкин. У вақфларни рўйхатга олиш, бошқариш, шу жумладан унинг назорати ва маъмуриятига жавобгардир.

Бевосита вақфлар (масжид, мактаб, меҳрибонлик уйи, хайрия уйлари, қабристон) ЎМИ томонидан бошқарилиши мумкин. Билвосита вақфлар (даромад келтирувчи вақфлар) эса корпорацияга топширилади, корпорациялар ўз навбатида даромад келтирувчи вақфларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва улардан янада кўп даромад олиб вақф ҳужжатида белгиланган тартибда сарфлашни ўз зиммасига олади. Корпорация, шунингдек, ЎМИга бу борада ҳисобот бериши, ЎМИ эса корпорациянинг бошқарув харажатларини айириб ташлаб қолган даромад борасида фойдаланувчига ҳисобот бериши лозим бўлади.

ЎМИда маслаҳат кенгаши, шунингдек, вақф мулкни бошқариш бўйича қўмита тузиш мақсадга мувофиқдир. Маслаҳат кенгаши бошқарув ва тартибга солиш масалаларини, қўмита эса ваколатли органларнинг бошқарув, режалаштириш ва фойдаланиш фаолиятларини назорат қилувчи ижроия қўмитаси мақомида бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Маслаҳат кенгаши ЎМИ томонидан ташкил этилган, лекин улар билан чекланмаган, бошқарув, инвестициялар, ривожланиш ва молия, шу жумладан ЎМИ ва корпорациянинг умумий фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш ишларини амалга оширади.

Кенгаш ихтисослашган қўмиталарни тузишга ва шу мақсаддаги харажатларни ўз зиммасига олиш, шунингдек, маслаҳат кенгаши вазифаларини бажариш ёки бошқарув аъзоларига нафақа тўлаш ҳуқуқига эга. Маслаҳат кенгаши мақсадли вақфдан тўланадиган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик шартномаларини амалга ошириши ёки шартномалар тузиши мумкин.

Мазкур қонун лойиҳаси амалда ўз аксини топса, юртимизда вақф мулкчилигини

ривожлантиришда, ижтимоий соҳани яхшилашда, таълим ва тиббиёт хизматларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>.
2. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <https://lex.uz/docs/5491534>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ 5416-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/3686277>.
4. Чехович Д. Собрание восточных актов в Узбекистане // Бюллетень Академии Наук УзССР. – Ташкент, 1947, – № 4. – С. 87.
5. Чехович О.Д. Самаркандские документы XV-XVI вв. – Москва, 1974. – С. 3.
6. Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Ташкент, 1965. – С. 74.